INNOVATION: THE JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND RESEARCHES
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
ISSN: 2181-3868 SJIF-2023: 3.812 | ISI: 0.539 | VOLUME 2, ISSUE 2, 2024

БЕҲБУДИЙ БИРИНЧИ БЎЛИБ ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛИШИНИ ТАКЛИФ ЭТГАН

Равшанов Маҳмуд
Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети профессори, филология фанлари доктори

Аннотация. *1918 йилда Беҳбудий тил масаласини янги маъмурлар олдига қўйиб, Туркистонда туркий тиллар ичида ўзига хос нуфузга эга бўлган ўзбек тили давлат тили сифатида тан олинишини таклиф қилади... Беҳбудийнинг таклифи ўша даврда рус маъмурларига маъқул келмайди. Шунга қарамасдан Беҳбудий туркий тилларнинг мавқе ва нуфузини оширишга ҳаракат қилади.*

Калит сўзлар: *туркий тиллар, давлат тили мақеи, нуфузи, давлат тили мақомини олишга ҳаракатлар*

https://doi.org/10.5281/zenodo.14060787

Аннотация. В 1918 году Бехбуди поставил перед новыми властями вопрос о языке и предложил признать государственным языком узбекский язык, имеющий уникальное влияние среди тюркских языков Туркестана. Российские власти того времени. Несмотря на это, Бехбуди пытается повысить статус и престиж тюркских языков.

Ключевые слова: тюркские языки, статус государственного языка, влияние, усилия по получению статуса государственного языка.

Annotation. In 1918, Behbudi raised the question of language before the new authorities and proposed recognizing the Uzbek language as the state language, which has a unique influence among the Turkic languages of Turkestan. Russian authorities of that time. Despite this, Behbudi is trying to increase the status and prestige of the Turkic languages.

Key words: Turkic languages, status of the state language, influence, efforts to obtain the status of the state language.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ва мавқеини тубдан ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 21 октябрдаги Фармонида таъкидланганидек, “Бугун Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда...

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”.

ISSN: 2181-3868 SJIF-2023: 3.812 | ISI: 0.539 | VOLUME 2, ISSUE 2, 2024

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсда обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадимиздир.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларига сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди десак ҳеч бир муболаға бўлмайди.

Тўғри, миллат бор экан унинг тили, маънавияти, маданияти ва қадриятлари миллий хусусиятга эга тамойилларга асосланиб ривожлани боради. Жумладан, XX асрнинг биринчи чорагида фаолият кўрсатган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори, Ашурали Зоҳирий, Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ғози Олим, Маннон Рамз, Абдулла Йўлдош, Ёқуб Омон, Ваддуд Маҳмуд, Абдулла Авлоний, Санжар Сиддиқ, Шорасул Зуннун, Ҳошим, Боту, Элбек сингари зиёлиларимиз она тилимиз тараққиёти ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш йўлида тинисиз ҳаракат қилдилар. Уларнинг тил маданияти ҳақидаги фикрлари нафақат ўз даврида, балки ҳозирда ҳам ҳам катта аҳамият касб этади.

Ана шундай жонкуяр зиёлилардан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳисобланади. У жаҳонга ўзбек миллий маданияти, маорифи, тилини, урф-одати анъаналарининг нуфузини амалий ва илмий жиҳатдан тенгсизлигини ўз дарслик, дастур, монография ва мақолаларида зўр журъат ва шижоат билан кўрсата олди. Унинг фикрича тил масаласини таълим жараёнинг тараққиёти билан қўшиб олиб бориш ҳар бир давр маънавий тараққиётининг энг асосий хусусиятларидан биридир. Маҳмудхўжа Беҳбудий кишиларнинг тарихан ташкил топган барқарор бирлиги – Туркистон ўлкасида яшовчи миллат ёки элатларнинг умумий фикр алмашиш ва мулоқот воситаси, муҳим ривожланиш омили бўлган тилларни тараққий қилдириш масаласига алоҳида эътибор берди. Беҳбудийнинг асосий ғоявий қарашларида:

- Туркистонда туркий тилни расмий идора тили сифатида қабул қилиш зарурлиги хусусида 1908 йилда рус маъмурларига мурожаат этади. "Туркистоннинг мусулмон аҳолиси, - дейди муаллиф, - асосан туркийда сўзлашади. Жанубий туманларда эса юз мингга яқин форсийгўй аҳоли бор. Шунга қарамай улар ҳам туркий тилини яхши биладилар. Туркистонлилар ўртасида ташқи кўриниши, дини ва тилида фарқ йўқ...".

-Орадан ўн йил ўтгандан сўнг, яъни 1918 йилда Беҳбудий шу масалани янги маъмурлар олдига қўйиб, Туркистонда туркий тиллар ичида ўзига хос нуфузга эга бўлган ўзбек тили давлат тили сифатида тан олинишини таклиф қилади."Содда тил нима учун керак? - дейди Беҳбудий.

- Атрофдаги қавму қариндоши билан сўзлашмоқ учун. Адабий ва илмий тил нима учун керак? Мавжуд илму фан ва тарихни билмоқ ва алардан фойдаланмоқ учун". Маҳмудхўжа Беҳбудий бир мақоласини "Икки эмас, тўрт тил лозим" деб атагани, "Тил масаласи" номли чиқишида эса дунёмизнинг илму фанидан хабардор бўлмоқ учун етти тилдан (яъни рус, немис, француз, инглиз, италян, араб, япон тилларидан) бирини билмоқ кераклигини уқтиргани бизга яхши маълум.

-Шуни ҳам уқтирмоқ лозимки, баъзи кишилар Беҳбудийнинг тил хусусидаги қарашларини таҳлил этишда битта-иккита мақола шарҳи билан кифояланадилар. Холбуки, ҳазратнинг бу борадаги қарашлари ижодий меросининг катта қисмига сочилган ва уларни дур каби термоқ, сараламоқ керак.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзи муҳаррирлик қилган “Ойина” журнали ва “Самарқанд” газетасидаги мақолалар ўзбегу тожик тилларидан ташқари арабча, русчада ёзилиши мумкинлигини баён этади: “...ўз тириклигимиз учун алар хатини билмоқ зарур ва ҳадиси шариф далолатинча дастурлигиға жойи инкор бўлмаса керакдур”, дея фатво берган.

Демак, Беҳбудийнинг фикрича, “Яна бир тил ва хат борки - бутун олам анинг ила сўйлашур.Ул фаранси тили ва хатидур”, деган хулосани беради. Бу билан Беҳбудий ёшларни хорижий тилларни ўрганишга даъват этади. Зарурат туғилганда ҳатто яҳудий тилини ўзлаштиришга шаърий йўл очиб бергани ёзади. Бу фикр асоссиз эмаслигини тасдиқлаш учун “Саҳиҳи Бухорий”дан ҳадис келтиради: “Жаноби пайғамбар ўз саҳобаларидан Зайд бин Собит(ға) яҳудий хатини ўқиб ўрганмоқға буюрган эканлар. Ва ул жаноб Умар ҳазрат Нубувват паноҳи ила яҳудий хатини ўрганиб, ҳазрат пайғамбарға яҳудийлардан келатурғон хатларни ўқуб берар эканлар”.

М.Беҳбудий мақолаларидан бирига “Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар” деган ҳикматомуз ибора (“Ойина”, 1914, 35- сон)ни сарлавҳа қилиб қўяркан, фақат ғурурланиш, ифтихор ҳисси етишмаслигини, “фахр этмоқ” билан бирга тилнингҳар томонлама муҳофаза чораларини кўриш лозимлигини таъкидлайди.

“Сайёҳат хотиралари”да бу борада яҳудийлардан ибрат олса арзишини баён этиб, “...ҳаммамиз эски яҳудий тили (иброний) ўқуймиз, - дейди суҳбатдошлардан бири. - Ман ўзим русчадан бошқа билмас эдим. Бир йилдан бери ҳафтада икки соат ибронийча ўқидим. Энди ибронийча ўқудим. Энди ибронийча сўйлайман, ёзаман.”

Беҳбудий ўша суҳбатдоши бошқа бир фаластин яҳудийси билан ибронийча сўзлашгани ва ”дунёдаги бутун яҳудийларнинг энди тили бирлашур” суюнганини таъкидлашни ҳам унутмайди. Яҳудийларнинг бундай суюниши билан кифояланмай, имкон бўлган ҳар бир вазиятдан фойдаланишни ҳам биладилар. “Адрнада, - дейди Беҳбудий, - катта раста ва чорсуларни кездим. Эллик-олтмиш дўконда зўрға бир мусулмон лавҳаси(вивескаси) кўрулуб, аксари “Юҳанна”, “Шолом”, “Ниқула”, “Ўрхайдмиюс” ва амсоли яҳудий исмларидур”.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг тил масалалари хусусидаги қатор асарлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Жумладан, “Китоб-ул атфол”(Болалар мактуби) асари ўз даврида бир неча марта нашр этилган эди. Бу китобга қирққа яқин форсий ва иншолардан намуналар киритилган. Шаҳодатнома ва бошқа иш юритишга доир ҳужжатлар ёзишни ўрганишдан таълим беради ҳамда намуналар келтиради. Волостнойхона, қозихонада ёзиладиган ҳужжатлар мана шу китоб орқали ўргатилган. Ёш ва катталарга мўлжалланган бу тўплам бугун ҳам Давлат тилида иш юритишда жуда қўл келади.

“Китоб-ул атфол” илк ўзбек мактаблари учун тузилган дарслик сифатидагина эмас, айни пайтда тил ёзув, маданиятимиз тараққиёти нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга моликлигини бир қанча етук мутахассисларимиз эътироф этади.

ISSN: 2181-3868 SJIF-2023: 3.812 | ISI: 0.539 | VOLUME 2, ISSUE 2, 2024

Демак, уларнинг фикрича, “Пунктуациянинг бизда қачондан қўллангани ҳақида мутахассислар орасида ҳали ҳануз тортишувлар юради, деб ёзади улар. Инқилобгача у бўлган эмас, дегувчилар ҳам топилади. Баъзилар “Туркистон вилоятининг газети”да айрим тиниш белгилар ишлатилган, дейиш билан чекланадилар. Беҳбудий эса “Китоб-ул атфол”ида тиниш белгилар (“румуз”)нинг ўнтасини келтиради”, деган илмий хулоса берилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳар бир давр тили тараққиётининг мураккаблигини, эски ўзбек адабий тили, умумтуркий тил ва ҳозирги ўзбек тилига хос бирликларнинг аралаш ҳолда қўлланишини ўз вақтида тўғри англай олди ва бундан тўғри хулоса чиқаради. Беҳбудий янги адабий тил вужудга келиши учун тил бирликларининг янгича муносабат касб этишига замин ҳозирлайди. Яъни, оғзаки сўзлашув тилига хос тил бирликларнинг адабий тилга киритилишига ҳаракат қилди. Бу билан адабий тил, бадиий, сўзлашув ва публицистик нутқларнинг синтезлашувига, яъни ягона адабий тил яратилишига маълум даражада ҳисса қўшди, каби илмий хулосаларининг ижтимоий-тарихий аҳамиятга эга эканлиги ҳозиргача ўз исботини топган.

Адабиётлар

1.Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ва мавқеини тубдан ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 21 октябрдаги Фармони.

2.Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Тошкент, “Манавият”, 1999. 280 б.